Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши № 212 (13.168). 10 СЕНТЯБРЬ 1965 йил ЖУМА. Баҳоси 2 тийин.

## ЁШЛИК ЖАСОРАТИ

Жаҳонда биринчи социализм мамлакатининг, ҳур республикалар иттифоқининг ёш, навқирон граждани, атрофингга бир боқ: халқимизнинг қудратли қўли билан қурилаётган коммунизм муҳташам биноси тобора юксакроқ қад кўтармоқда. Ҳар кунимиз ажойиб воқеалар билан бой. Янги завод-фабрикалар, муаззам комбинатлар ишга туширилпти. Қуёшдан ҳам сахийроқ ГЭСлар нур беряпти. Дарёлар жиловланмоқда. Чўл чекинаётир. Ватанимизнинг жамоли борган сари гўзаллашмоқда. Буларнинг барида сенинг, тенгдошларингнинг ҳам ҳиссаси бор.

Бугунги ажойиб ҳаётимиз осонликча қўлга киритилдими? Улуғ Октябрь социалистик революцияси осонликча ғалаба қозондими? Шонли Октябрь ғалабаларини сақлаб қолиш, мамлакатимизни жаҳонда энг қудратли Ватанга айлантириш осон бўлдими? Буларнинг барини қўлга киритиш учун ота-боболаримиз, оналаримиз, опаларимиз, сенга ўхшаш ўт юрак ёшлар, комсомоллар, корчагинлар авлоди, бўрон болалари қанчадан-қанча машаққатлар тортишди, тер тўкишди, керак бўлиб қолган тақдирда Ватан йўлида азиз жонларини фидо қилишди.

Халқимизнинг умиди, келажаги, суянган тоғи ёшлар, комсомоллар, ленинчи авлод! Сенинг олдингда кекса гвардияга, буюк шонли, революцион анъаналарга содиқ бўлишдек, Ленин байроғини, Октябрь байроғини, халқ, партия байроғини тағин ҳам баланд кўтариб, қудратли Ватанимиз шон-шарафини борган сари оширишдек буюк вазифа турибди.

Улуғ партия энг биринчи устозимиз, мураббиймиздир. Партиянинг содиқ таянчи, резерви Ленин комсомоли сафида тарбия топган миллион-миллион комсомол-ёшлар, йигит-қизлар коммунизм моддий-техника базасини вужудга келтиришдек улуғ ишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Совет ёшлари сафида қуёшли республикамиз — Ўзбекистон комсомол-ёшлари ҳам бор. Республикамиздаги салкам бир миллион комсомол-ёшнинг кўпчилиги ҳаёт томири уриб турган барча соҳаларда зўр шавқ-завқ билан меҳнат қилмоқда.

Ватанга, партияга, халққа бўлган меҳр-муҳаббатимиз, садоқатимиз, ишқимиз шонли меҳнатда ўз ифодасини топмоғи керак. Ленин комсомоли тарбиялаган Турсуной Охунова, унинг минг-минглаб дугоналари, издошлари, Мамажон Дадажонов, Матлуба Назарова, Искандар Юсупов, Қувондиқ Абдураззоқов, Қурбон Кенжаев сингари азаматлар пахта майдонида, Ҳафиз Ғаниев, Саид Нуриддинов сингари шоввозлар қудратли корхоналарда ёшлик матонати нималарга қодирлигини намойиш қилмоқдалар.

Меҳнат, астойдил тер тўкиб, ишнинг кўзини билиб қилинган ҳалол меҳнат ҳар бир киши юрагида партияга бўлган буюк садоқатининг мезонидир. Меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, интернационализм, шонли революцион анъаналарга содиқлик совет ёшларининг фазилатидир.

Ҳозирги пайтда партия ташкилотларининг, Ленин комсомолининг энг муҳим вазифаларидан бири ёшларни ғоявий жиҳатдан чиниқтиришдан, бунинг учун ёшлар ўртасида сиёсий тарбияни ҳар тарафлама кучайтиришдан, ёшларни ҳаётбахш совет ватанпарварлиги, интернационализм руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Бинобарин, Ватанимизда буюк ғалабалар осонликча қўлга киритилмаганлигини ёшларга тушунтириш, кекса гвардия билан фахрланиш ҳис-туйғуларини кучайтириш керак.

Биз Ленин авлодимиз. Биз коммунистларнинг чинакам ворисларимиз. Партия ташкилотлари ёшларни улуғ Ленинга хос фазилатлар — халқ бахт-саодати учун, адолат учун курашчи бўлиш, камтарлик, одамларга меҳрибонлик, жўшқин революцион эҳтирос билан коммунизм тантанаси учун кураш руҳида тарбият қилишга даъват этилгандир.

Революцион анъаналарни ҳурмат қилиш, ёшларнинг коммунизм тантанаси учун революцион ғайрат-ташаббусини ошириш, ёшларни юксак интизом, маънавий поклик руҳида тарбиялаш — партия, комсомол ташкилотларининг, кенг жамоатчиликнинг, ўз байроғини шон-шуҳрат билан қоплаган кекса гвардиянинг ишидир.

Саноат корхоналарида, колхоз, совхозларда, илмий муассасаларда, олий ўқув юртларида, мактабларда ажойиб ёшларимиз бор. Улар большевистик традицияларни давом эттириб, янги-янги ташаббус билан майдонга чиқмоқдалар, меҳнат унумдорлигини оширмоқдалар, билим чўққиларини эгаллаш учун қунт, сабот билан ўқимоқдалар.

Лекин меҳнат қилишдан эринадиган, буюк традицияларни ҳурмат қилмайдиган, жамиятга фойда етказиш ўрнига ўз инсонлик, гражданлик, фарзандлик бурчини унутиб қўйган ёшлар ҳам йўқ эмас. Улар бугунги бахтли ҳаётимиз қанчалик машаққат билан қўлга киритилганлигини ўйлаб ҳам кўрмайдилар, сал қийинчилик содир бўлса ҳасрат қиладилар. Ленин комсомоли, оташ юрак ёшларимиз маслаксизликка, маишатбозликка, сиёсий тутуруқсизликка, бачканалик, иродасизликка қарши қаттиқ кураш очишлари лозим.

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги Литвинов маҳалласида ёшларни революцион традициялар руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда комсомол-ёшлар кекса гвардиячи-партизанлар, биринчи комсомоллар, Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонлари, меҳнат ветеранлари билан тез-тез учрашиб турадилар. Маҳалладаги коммунистлар, қариялар ёшларни юксак маънавий покликка, одобли, назокатли бўлишга, ростгўй, меҳнатсевар бўлишга ўргатадилар.

Бугун бутун ўзбек халқи катта имтиҳон, катта синов олдида турибди. Коммунистик етти йилликнинг якунловчи йилида мамлакатга 3 миллион 650 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришимиз, шундан 1 миллион тоннасини машинада нуқул аъло сифатли қилиб териб олишимиз, меҳнат зафарларини тобора кўпайтиришимиз керак.

Пахта майдони — мардлар майдони, навқирон қаҳрамонлар майдони. Қишлоқ комсомол-ёшлари ана шу меҳнат фронтида янги жасорат, янги матонат кўрсатишга чақирилгандирлар. «Зангори кема»ларнинг дарғалари — комсомол-ёшларимиз яхлит пахта майдонларида жавлон уриб, пахта фронтида чинакам гвардиячи бўлишсин.

Комсомол-ёшлар халқимиз қаҳрамонлик тарихида, ватанпарварлик тарихида янги олтин саҳифалар очайлик, инсоният тарихида биринчи бўлиб фазо эшигини кенг очган, учқур фарзандларни вояга етказган халқимизга, жонажон Коммунистик партияга муносиб бўлайлик, ҳар ерда, ҳар бир ишда шонли, революцион анъаналарни давом эттирайлик! Ёшлик жасорати, матонати, садоқати билан гўзаллигини ҳар бир ерда кўрсатайлик!

## МЕХАНИЗАТОРЛАР АҲДИ

Косон районидаги «Косон» совхозининг механик-ҳайдовчилари 3 минг гектар пахта майдонининг 1000 гектаридаги ҳосилни машинада териб олишга аҳд қилганлар. Бу майдонлардаги ғўза сифатли дефолиация қилинди. Далалар оппоқ чой шаб ёпингандек. Чаноқларда лўппи пахта «мени териб ол», дегандек табассум қилиб турибди.

Совхоз механик-ҳайдовчилари областда биринчи бўлиб машина теримига киришдилар. Далада 31 та «зангори кема» суза бошлади. Республикамиздаги бир группа илғор пахтакорларнинг очиқ хатини ўқиб чиққандан кейин совхоз механик-ҳайдовчилари янги мажбурият қабул қилдилар. Пландаги 675 тонна ўрнига 1,5 минг тонна пахтани машиналарда териш мажбурияти олинди. Теримнинг дастлабки кунида илғор механик-ҳайдовчилардан Хонкелди Холиқов, Нусрат Сатторов ўртоқлар пўлат бункерлардан хирмонга 2,5 тоннадан «оқ олтин» тўкишди.

Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти машина терими натижаларини ҳар ўн кунда якунлаб, мусобақада ғолиб чиққан механик-ҳайдовчига вимпель ва 100 сўм пул мукофоти бериб боради.

**М. ТУЛАНОВ.**



**РАҲИМА** Абубакирова Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозининг кўпминг килограммчи теримчиларидан. У бу йил мавсумда хирмонга 10 тонна «оқ олтин» тўкишга аҳд қилган. Шу кунларда Раҳима 100-110 килограммдан пахта териб, ҳаммага намуна бўлаётир. Суратда: Раҳима Абубакирова.

А. Абалян фотоси.

## «КОСМОС-85» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

1965 йил 9 сентябрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-85» учирилди.

Йўлдош ичига ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган программага мувофиқ, космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдош параметрлари қуйидагича бўлган орбитага чиқарилди:

Бошланғич , айланиш даври 89,6 минут;

Ер сатҳидан максимал узоқлашуви (апогейида) 319 километр;

Ер сатҳидан минимал узоқлашуви (перигейида) 212 километр;

Орбитанинг оғиши 65 градус.

Йўлдошда илмий аппаратлардан ташқари 19,995 мегагерц частотада ишлайдиган радиопередатчик; орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радиосистема; приборлар ва илмий аппаратларнинг иши тўғрисидаги маълумотларни ерга юбориб турадиган радиотелеметрик система бор.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

СЎЗ — МАШЪАЛЛАРГА

## ОТГА ҚАМЧИ БОСДИК

Совхозимиз — Фарғона областидаги йирик пахтакор хўжаликлардан бири. Бу йил 3900 гектар майдонда пахта етиштирдик.

Мана, ғалвирни сувдан кўтарадиган пайт келди. Ерни шудгорлаётганда ҳам, унга чигит қадаётганда ҳам, ғўзани культивация қилганда ва суғорганда ҳам, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантирганда ҳам теримни ўйлагандик. Қилинган меҳнат, тўкилган тер, сарфланган ишчи кучи ва маблағлар бекор кетмади. Ҳар гектар ерда 30 центнерли «оқ олтин» хирмони уйгудек ҳосил чўғи бор.

Биз давлат планида белгиланган пахтанинг ҳаммасини фақат биринчи сортлар билан топширмоқчимиз. Пахтакорларимиз йиғим-теримни бошлаш олдидан ана шундай қарорга келишди. Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти қўл билан териладиган пахтанинг ҳам, машина билан териладиган пахтанинг ҳам сифатли бўлишига эришиш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқдилар. Ҳозир далада пахта тераётган 3 мингдан ортиқ теримчи аввал бригада ва бўлимларда ташкил қилинган семинарларда қатнашди. Уларга терим даврида меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби, кўп ва сифатли терилган пахта учун бериладиган қўшимча ҳақ ва алоҳида намуна кўрсатган теримчилар мукофотланилиши тушунтирилди. Кўп ва сифатли пахта терган кишиларни моддий рағбатлантириш системаси ишлаб чиқилди.

Пахта ҳам бамисоли атир гул. Гулнинг хушбўй бўладиган, чиройи очиладиган даври бўлганидек, пахтанинг ҳам айни етилиб, мени териб ол дейдиган пайти бўлади. Шунда уни териб олсангиз ютуқ сизники, давлатга топшириладиган пахтанинг сифати яхши бўлади. Пахтакорларимиз буни тушунган ҳолда бир грамм ҳам хом, ифлос пахта терилишига йўл қўймаслик учун ҳаракат қиляптилар. Уларга СССР Министрлар Советининг «Пахта етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришдан колхоз ва совхозларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори бафатсил тушунтирилди. Шу муносабат билан хўжаликда олинадиган қўшимча даромад ва бундан пахтакорлар кўрадиган моддий манфаат уларга айтиб берилди.

Совхозимиз пахтакорлари ҳозир ғайрат отига қамчи босишди. Ҳамма бўлим ва бригадаларда терим авж олдириб юборилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ давлатга бир неча юз тонна сифатли пахта топширилди.

Терим суръатини тезлаштириш ва тайёрланаётган пахтанинг миқдорини кун сайин оширишда бригада ва бўлимлар ўртасида йўлга қўйилган ўзаро социалистик мусобақа, кенг авж олдирилган кўпминг килограммчилар ҳаракати катта роль ўйнамоқда. Теримчилардан мингга яқин киши мавсумда 7-12 тоннадан пахта териб бериш ҳақида сўз беришди. Улар шунчаки пахта эмас, балки аъло сифатли «оқ олтин» териб беришмоқчи.

Ҳадемай машиналар ишга туширилади. Механизаторларимиз машина теримини уюшқоқлик билан ўтказиш, машинага ажратилган майдонлардаги ҳосилни қисқа вақт ичида териб олиш, агрегатлар бункеридан тўкиладиган пахтанинг юқори сифатли бўлишига эришиш тараддудини кўришяпти. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган механизатор, пахтачиликни комплекс механизациялаш ва айниқса ҳосил теримини машиналаштиришнинг ажойиб ташаббускори ва устаси Қурбон Кенжаев ўзи раҳбарлик қилаётган бригадада етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини нуқул машиналарда териб олиш, ўз машинаси бункеридан ҳар куни 6-7 тоннадан пахта тўкиш, шу йўл билан йиллик планни ўн иш кунида бажариш мажбуриятини олди. Ўртоқ Кенжаев бошлиқ бригада пахтакорлари 53 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга 40 центнердан «оқ олтин» сотишни мўлжаллашмоқда.

Бу йил совхозда Қурбон Кенжаевдан намуна олиб, мўл ҳосил етиштирган ва давлатга гектаридан 40 центнердан юқори сифатли пахта сотишга аҳд қилган пахта усталари сафи М. Султонов, Х. Ҳаитов, О. Раҳмонов, Т. Ҳакимов ўртоқлар каби моҳир бригада бошлиқлари — ишлаб чиқаришнинг ажойиб командирлари ҳисобига янада кўпайди.

Бу йил даламизда 65 та терим агрегати ишлайди. Ана шу агрегатларни 150 суворий бошқаради. Терим машиналари группа-группа қилиб, икки сменада ишлатилади. Пахтани териш ва тайёрлов пунктига ташиш, далани ҳосилдан тозалаш, келгуси йил ҳосилига тайёргарлик кўриш ишлари поток усулида ташкил этилади. Механизаторларимиз 2600 тонна сара пахтани териб беришади ва уни машина бункеридан тўғридан-тўғри прицепларга ағдариб, давлат омборига етказиб беришади. Б Эргашев, Т. Узоқов, А. Қодиров, А. Бектемиров ўртоқлар каби ўз касбига меҳр қўйган механик-ҳайдовчилар мавсумда 150-200 тоннадан пахта териш ҳақида сўз беришди.

Терим техникаси қувватидан тўла фойдаланиш. дастлабки кунданоқ машина теримида юксак унумдорликка эришиш тадбирлари кўриб қўйилди. Иш вақтида агрегатлар бузилиб узоқ вақт бекор туриб қолишига йўл қўймаслик мақсадида тўртта кўчма ремонт устахонаси ташкил этилди. Улар зарур запас қисмлар ва асбоблар, малакали мутахассислар билан таъминланди.

Ўтган йили ҳар гектар ердан 22,5 центнердан ҳосил олинган эди. Бу йил ҳосилдорлик 7,5 центнер оширилади. Барча ҳосилнинг қарийб 60 процентини сентябрь ойида, қолган қисмини эса октябрь ойининг биринчи ярми ичида йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш юзасидан аниқ график тузилган. Биз бу графикнинг сўзсиз бажарилишига эришамиз. Давлатга сотиладиган 11 минг 700 тонна пахтанинг ҳаммасини юқори сортлар билан топширилишини таъминлаш учун қўлимиздан келган ҳамма чораларни кўрамиз.

**Н. АҲМЕДОВ,**
**Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг директори.**

СЕНТЯБРЬ 9

## „ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИ

### Республикада пахта тайёрлашнинг бориши

(Планга нисбатан процент ҳисобида; биринчи стун — областлар; иккинчи стун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи стун — мавсум бошидан; тўртинчи стун — дефолиация қилинган майдонлар)

| | | | |
|---|---|---|---|
| Қашқадарё | 2,29 | 25,23 | 32,01 |
| Бухоро | 2,32 | 16,49 | 10,38 |
| Сурхондарё | 1,53 | 10,38 | 24,15 |
| Фарғона | 1,60 | 9,60 | 13,99 |
| Андижон | 1,17 | 7,53 | 4,97 |
| Тошкент | 0,82 | 4,48 | 46,84 |
| Самарқанд | 0,74 | 3,56 | 7,59 |
| Қорақалпоғистон АССР | 0,55 | 2,62 | 21,76 |
| Хоразм | 0,67 | 2,41 | 10,81 |
| Сирдарё | 0,20 | 0,89 | 19,38 |

## МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Навоий районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг илғор звенолари бирин-кетин маррага етмоқдалар. Ўртоқ З. Жўраев бошлиқ звено аъзолари 10 гектар ернинг ҳар гектаридан 27 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариб, планни муддатидан олдин 130 процент адо этдилар. Звено аъзолари гектаридан яна 17 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олдилар.

Колхознинг ўртоқ Ғ. Бўтаев бошлиқ звеноси аъзолари ҳам катта меҳнат зафарини қўлга киритдилар. Гектаридан 25 центнердан ҳосил топширган звено аъзолари ўз имкониятларини ҳисобга олишиб, Ватанга гектаридан яна 15 центнердан қимматбаҳо «оқ олтин» армуғон қилишга сўз бердилар.

Хўжалик шу кунга қадар йиллик планнинг 30 процентн миқдорида пахта топширди.

**Қ. ҲАСАНОВ.**

## ҚАРДОШЛИК МИТИНГЛАРИ

8 сентябрда Горький автомобиль заводида ўтказилган митинг Совет Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикасининг халқлари ўртасидаги қардошларча бузилмас дўстликнинг қудратли намойишига айланиб кетди.

Автозаводчилар ўз нутқларида совет кишиларининг чехословак халқига меҳр-муҳаббат туйғуларини изҳор қилдилар.

Митингда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Горький область партия комитетининг биринчи секретари М. Т. Ефремов, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг Раиси И. Ленарт, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. В. Подгорний нутқ сўзладилар.

* * *

Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Руминия Социалистик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси 8 сентябрда жаҳондаги энг йирик электростанциялар учун турбиналар ясаб берадиган КПСС XXII съезди номидаги Ленинград металл заводига борди.

Корхонада ўтказилган кўпминг кишилик митинг совет ва румин халқлари дўстлигининг намойишига айланиб кетди.

Митингда КПСС Марказий Комитети РСФСР бюросининг аъзоси, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари В. С. Толстиков, Руминия Компартияси Марказий Комитети доимий Президиумининг аъзоси, Руминия Социалистик Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ион Георге Маурер, Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари Николай Чаушеску нутқ сўзладилар. (ТАСС).

## ДЎСТЛИГИМИЗ БУЗИЛМАСДИР!

Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари қардош болгар халқининг миллий байрами — Озодлик кунини тантанали нишонладилар. Бу муҳим воқеага бағишланиб. 8 сентябрда Тошкент шаҳар ва области жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши ўтказилди.

Тошкент области партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов «Болгарияда социалистик революциянинг 21 йиллиги» деган темада доклад қилди.

Йиғилишда «Ташсельмаш» заводининг слесари коммунистик меҳнат зарбдори Н. И. Соколов, Калинин районидаги Карл Маркс номли колхознинг раиси Ғ. Абдуллаев ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Нотиқлар Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги дўстона алоқалар йил сайин мустаҳкамланиб ва ривожланиб бораётганлигини айтиб ўтдилар.

Тошкентда ўқиётган болгариялик аспирантлар ва студентлар партия ташкилотининг секретари П. Г. Журов йиғилишда сўзга чиқди. Тўпланганлар унинг нутқини қизғин кутиб олишди.

Йиғилиш қатнашчилари Софиядаги болгар—совет дўстлиги умумхалқ комитети ва Хасков шаҳридаги болгар—совет дўстлиги округ комитети номига табрик хатлари йўлладилар. (ЎзТАГ).

## СУРЪАТНИ ОШИРАЙЛИК

9 сентябрь куни Андижон районидаги Калинин номли колхознинг клуби одамлар билан гавжум бўлди. Бу ерда қишлоқ хўжалик ходимларининг область кенгаши ўтказилди. Кенгаш қатнашчилари пахта тайёрлаш суръатини кучайтириш ва 1965 йилги мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш ҳақида маслаҳатлашиб олдилар.

— Об-ҳаво шароити ноқулай келганлиги сабабли юз берган қийинчиликлар ва айниқса сув танқис бўлганлигига қарамай, областимизнинг барча хўжаликларида пахтадан мўл ҳосил етиштирилди, — деди кенгашда доклад қилган область партия комитетининг секретари У. Абдураҳимов, — Бу ҳосил давлат планинигина эмас, балки зиммага олинган социалистик мажбуриятнинг ҳам ортиғи билан бажарилишини таъминлайди.

Областда пахта териш бошланганига,—деди сўнгра докладчи,—қарийб ўн кун бўлди. Лекин эътироф этиш керакки, ҳали кўпчилик хўжаликларда терим қизитиб юборилгани йўқ. 9 сентябргача область бўйича давлатга 57 минг 649 тонна ёки йиллик планнинг 7,52 проценти миқдорида пахта топширилди, холос.

Областдаги барча хўжаликларда очилган пахта териб олишга мунтазир бўлиб турибди. Шунга қарамасдан, ҳалигача биронта ҳам район бир кунда давлатга йиллик планнинг 2 проценти миқдорида пахта топширгани йўқ. Хўжаобод ва Учқўрғон районларида аҳвол айниқса ёмон. Областда меҳнатга яроқли барча аҳоли пахта теримига сафарбар қилинган эмас.

### АНДИЖОН ПАХТАКОРЛАРИ МАСЛАҲАТЛАШИБ ОЛДИЛАР

Задарё, Янгиқўрғон, Андижон, Избоскан районларида колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари теримга тўла сафарбар этилмаяпти. Бу ҳол областнинг кўпчилик хўжаликларида меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилмаганлигини кўрсатади.

Қолоқлик ва бепарволикка барҳам бериш, меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган барча аҳолини йиғим-теримга сафарбар этиш ва яқин 2-3 кун ичида теримчилар сонини фақат колхозчилар ва совхоз ишчилари ҳисобига 200 минг кишига етказишга эришиш — партия, совет ва қишлоқ хўжалик ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқларнинг айтишича, айрим колхозларнинг раҳбарлари турли баҳоналарни рўкач қилиб, дефолиацияни орқага суришяпти. Область бўйича 110 минг гектар майдондан энди фақатгина 7 минг гектар ерда дефолиация ўтказилган. Бу иш Андижон, Наманган, Хўжаобод, Янгиқўрғон ва Қўрғонтепа районларидаги хўжаликларда айниқса ёмон уюштирилган.

Область партия комитетининг биринчи секретари А. Ҳайдаров область пахтакорлари олдида турган энг муҳим вазифалар тўғрисида гапирди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Кенгашда областда пахта териш ва тайёрлашни кучайтиришга қаратилган қарор қабул қилинди.

**А. ҚУРОНБОЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

## СИГНАЛ!

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»НИНГ БУХОРО ОБЛАСТЬ МУХБИРИДАН

**⊙ Бухорода зарбдор кунлар давом этмоқда. Вобкент, Ромитан ва Қоракўл районларининг пахтакорлари кеча икки процентдан ошириб пахта топширдилар.**

◆ Терим суръатига-суръат қўшиб, давлат омборига кунига йиллик планнинг 4,5 проценти миқдорида «оқ олтин» топшираётган Вобкент районидаги «1 Май» колхозининг пахтакорлари йиллик пахта тайёрлаш планини 42 процент бажардилар.

**⊙ Ғиждувон районидаги «Тошработ», Навоий районидаги «Қизил Октябрь», Қоракўл районидаги Киров номли колхозларнинг пахтакорлари йиллик планни 30-35 процент адо этдилар.**

◆ «Нарпай» совхозининг азамат механизаторлари областда биринчи бўлиб машина теримига киришдилар.

**⊙ Афсуски, областда катта карвондан орқада қолаётган хўжаликлар ҳам бор.**

◆ Навоий районидаги «Ўзбекистон», «Социализм» колхозлари пахта териш ва тайёрлаш графигини сурункасига бажармаётирлар. Бу хўжаликлар йиллик планни атиги 7-9 процентдан бажардилар. Натижада Навоий райони пахта топшириш суръати жиҳатидан судралиб қолмоқда. Район хўжаликлари кейинги икки кунда йиллик планнинг 1,90-1,80 проценти миқдорида пахта топширди. Аслида эса районда ҳар куни 2-2,5 процент миқдорида пахта тайёрлаш имконияти бор.

**◆ Ғанимат кунлар ўтиб боряпти. Терим суръатини жадаллаштирайлик!**

